

Шодмонов Даврон Дўстмуродович

Мустақил изланувчи

Тошкент кимё халқаро университети, Ўзбекистон

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада солиқ назоратининг асослари бўйича иқтисодчи олимларниң тадқиқотлари ўрганилган. Солиқ текшируви шакллари, турлари ҳамда давлат бюджетининг даромадлари таҳлил қилинган ва ҳулосалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: Солиқ, солиқ назорати, солиқ текширувлари, солиқ мониторинги, камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудит, бюджет даромадлари.

Даврон Шодмонов

Независимый соискатель

Ташкентский международный университет кимё, Узбекистан

НАЛОГОВЫЙ КОНТРОЛЬ И ЕГО ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

Аннотация. В статье рассматриваются исследования экономистов по основам налогового контроля. Проанализированы формы и виды налоговых проверок и доходов государственного бюджета и сделаны выводы.

Ключевые слова: Налог, налоговый контроль, налоговые проверки, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая инспекция, налоговая проверка, доходы бюджета.

Davron Shodmonov

Independent applicant

Kimyo International University in Tashkent, Uzbekistan

TAX CONTROL AND ITS THEORETICAL BASIS

Abstract. The article examines the research of economists on the basics of tax control. The forms and types of tax audits and state budget revenues are analyzed and conclusions are made.

Key words: Tax, tax control, tax audits, tax monitoring, desk tax audit, on-site tax inspectorate, tax audit, budget revenues.

Кириш. Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш, солиқ назоратининг шакллари ва уларнинг амал қилиш ҳолатини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Солиқ назорати давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади, чунки унинг воситасида давлат олдида турган иқтисодий-ижтимоий вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган моддий-молиявий ресурслар жамланади, ялпи ички маҳсулотнинг зарур қисми давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ажратилади.

Дунё мамлакатлари рақамли иқтисодиётга ўтаётган шароитда солиқ назорати солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш қўшимча солиқлар, жарималар ва пенялар шаклидаги бюджетга қўшимча тўловларни ундириш имконини берувчи ҳамда бу орқали солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ёки минималлаштиришни таъминлайдиган турли рақамли ахборот комуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллашга асосланади.

Солиқ назорати мамлакатдаги назорат тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли солиқ қонунларига риоя этилишига эришишни таъминлаш қонунчиликни мустахкамлаш, хуқук тартиботига риоя этилишига эришишни англаради.

Солиқ назоратига меъёрий ҳужжатлар ва илмий тадқиқот ишларида турли мазмунда таърифлар берилган ва эътироф этилган.

Солиқ назоратининг аҳамиятини Э.Н.Голик ва А.Г.Асатрян ўз тадқиқотларида қуйидагича эътироф: “сўнги йилларда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий мақсадини кўзловчи турли “кулранг” схемаларни амалий қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муаммони ҳал қилиш солиқ назоратини амалга ошириш орқали таъминланади, у давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари ва усувлари тизими сифатида ишлайди ва Россия хавфсизлигини

нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий характердаги чора-тадбирлар орқали таъминлайди” [1].

А.С.Адвокатова солиқ назоратига қуйидагича таъриф берган: “солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажralмас қисми сифатида жамиятнинг барча жавҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўлларни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширади” [2].

Т.А.Ефремованинг таъкидлашича, “самарали солиқ назоратини ташкил этишнинг биринчи навбатдаги шарти эса солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этишнинг замонавий илғор ахборот-технологик тизимга асосланган солиқ назорати ҳисобланади [3].

Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексининг 135-моддасида солиқ назорати қуйидагича эътироф этилган: “ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолият солиқ назоратидир” [4].


Л.И.Гончаренко., Ю.В.Малкова., А.С.Адвокатоваларнинг фирича, солиқ назорати учун рақамли технологиялардан фойдаланиш мақсадлари қуйидагилар: - солиқ тўловчиларнинг йўқотишларини камайтириш; - солиқ назорати тизимининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш; -қулай солиқ муҳитини яратиш мақсадида модернизация қилиш; - таҳлилий аппаратни такомиллаштириш [5].

Ф.А.Акрамовнинг таъкидлашича, “мамалакатимизда молиявий назоратни халқаро амалиётга яқинлаштириш, молиявий ҳисбот ва аудитнинг халқаро стандартларига мослаштириш борасида ишлар фаол олиб борилмоқда. Солиқ назорати жаҳон амалиётида ҳам, мамалакатимизда ҳам молиявий назорат турларидан бири ҳисобланади” [6].

А.Тагаев., Ф.Хашиматов., Ф.Рўзиев., К.Хотамовлар таъкидлашларича, “солиқ назорати солиқقا тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга

олишнинг, шунингдек солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат” [7].

Ўзбекистон Республикаси солик Кодексига асосан солик назорати шакллари ва турлари мавжуд: (1-расм)



1-расм. Солик назорати шакллари.

**СОЛИҚ
ТЕКШИРУВИННИГ
ТУРЛАРИ
(СК-137-моддаси)**

Камерал солик текшируви

Сайёр солик текшируви

Солик аудит

2-расм. Солик текшируви турлари

Солик назоратининг асосий вазифаси солик ва йигимларни ўз вақтида, белгиланган ҳажмда йиғилишини таъминлаш йўли билан давлат бюджети даромадларини шакллантиришдан иборат (1-жадвал)

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 2021-2023 йилнинг ижроси. млрд сўм

№	Солик турлари	2021 йил	2022 йил	2023 йил
I. ДАРОМАДЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ				
1.	Бевосита соликлар	58 930	64 447	73 104
1.1	Фойда солиги	38 363	37 650	40 779
1.2	Айланмадан солик	1 649	2 513	2 407
1.3	Жисмоний шахслардан	18 918	24 285	29 917

	олинадиган даромад солиги			
2.	Билвосита солиқлар	56 290	71 390	83 326
2.1	Құшилған қиймат солиги	38 439	52 189	57 885
2.2	Акциз солиги	13 087	13 455	15 834
2.3	Божхона божи	4 765	5 746	9 606
3.	Ресурс түловлари ва мулк солиги	23 036	23 913	28 079
3.1	Мулк солиги	2 457	4 015	5 098
3.2	Ер солиги	4 083	5 306	6 890
3.3	Ер ости бойликларидан фойдаланғанлық учун солиқ	15 812	13 887,0	15 300,0
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланғанлық учун солиқ	684	704	791
4.	Бошқа даромадлар	26 542	42 293	47 212

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқлар давлат бюджети даромадларини, яъни, мақсадли жамғармаларсиз 2021 йида 164799 млрд сўмни, 2022 йилда 202043 сўмни, 2023 йилда эса 231721 млрд сўмни ташкил этган.

Хуноса қилиб айтадиган бўлсак, солиқ назорати соҳасида амалга оширалаётган ўзгаришлар солиқлар ва йигимларни ундириш даражасини ошириш, юқори маданиятини шакллантириш ва давлатнинг иқтисодий хафсизлигини мустаҳкамлашга, шунингдек, энг муҳими давлат бюджетига даромадларини шакллантирувчи солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар

- Голик Е.Н., Асатрян А.Г. Развитие налогового контроля и его воздействие на экономическую безопасность страны.// Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 5 (108). 2019
- Адвокатова А.С. Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М, 2019.-26 с.
- Ефремова Т.А. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. МГУ, Саранск, 2017. Стр. 366
- Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси, 2019.

5. Акрамов Ф.А. Солиқ харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. 08.00.08 –“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2022.
6. Гончаренко Л.И., Малкова Ю.В., Адвокатова А..С. Актуальные проблемы налоговой системы в условиях цифровой экономики. // Экономика. Налоги. Право. 2018. №2.
7. Тагаев А., Хашиматов Ф., Рўзиев Ғ., Хотамов.К. Солиқ назорати// Ўкув қўлланма. Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. -84.б.
8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари
9. Dustova M. COINS TO CRYPTOS: TRACING THE THREADS OF ECONOMIC TRANSFORMATION //Iqtisodiyot va ta’lim. – 2023. – Т. 24. – №. 5. – С. 78-82.
10. Ochilova N. A. Farming Management and their Economic Efficiency //Innovation in the Modern Education System. – 2023. – Т. 3. – №. 28. – С. 177-184.
11. Ochilova N. A. Economic performance of dehkan farms in kashkadarya region //GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY. – 2022. – Т. 117.
12. Khamraeva S., Ochilova N. Assessment of innovative potential of farmers and homestead land owners //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – Т. 480. – С. 03003.
13. Хожанова Г. О. Особенности использования природных ресурсов //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2023. – Т. 9. – №. 2. – С. 105-107.
14. Khojanova G. O. Economic Aspects of Natural Resources Use in Uzbekistan //Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777). – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 22-27.
15. Khojanova G. O. INCREASING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF THE REGION'S NATURAL RESOURCES //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 28. – С. 171-176.